

## МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ҮҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

**Б.О.Рахимова**

*ТДИУ академик лицейи*

*Олий тоифали математика фани үқитувчиси*

Ёш авлод тарбияси ва билим олиши таълим дастурининг энг долзарб ва устувор вазифалардан бири деб эътироф қилинади. Бизнинг келажагимиз, қолаверса, мамлакат келажаги айнан бугунги ёшларимиз қўлида экан, кадрларимизни жисмонан ва руҳан баркамол қилиб тарбиялаш, ҳар соҳада етук мутахассис бўлишларига ҳисса қўшиш, янгиликлардан хабардор бўлишларига ёрдам бериш, хорижий тилларни мукаммал билишлари, дунёқарашларининг кенгайиши, жумладан, иқтисодиёт, сиёsat, ривожланишнинг устувор йўналишларидан яқиндан хабардор бўлишларига, уларнинг тарбияси ва таълимига эътибор қаратишга барча профессор-ўқитувчи бирдек масъулдир. Бунинг учун ҳозирда ўқитишнинг илғор усулларини жорий этиш орқали ёшларга мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан боҳабар бўлишлари, ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишлари учун шарт-шароит яратиш йўлида тинмай ижод қилинмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасини ахборот-коммуникация технологияларисиз, таълим самарадорлигини ошириш йўлида қўлланилаётган турли интенсив методларсиз тасаввур қилиш қийин. Янги замонавий педагогик услублардан бири бўлган интерфаоллик ҳам дарс жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш услубларидан бири бўлиб, бунда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш, уларни эркин фикрлашга, билим алмашибшга чорлаш яхши самара беради. Интерфаол сўзи инглизчадан олинган бўлиб, ўзаро ҳаракат қилмоқ деган маънени беради. Бу усуллар талабалардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаолликни, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибина қолмай, ўқитиш мақсадларининг тўлиқ амалга ошишига ёрдам беради.

Дарс давомида замонавий технологияларни қўллаш талабаларда ўзига ишонч, эркин фикр юритиш, хатто, фанга янгилик киритиш ва дунёқарашини янгича қарашлар билан бойитиш, малака ва кўникмаларининг ортиши каби имкониятларни бермоқда.

Бундай замонавий методлар ўзаро ҳаракат, талабаларнинг фаоллиги, гуруҳ тажрибасига таяниш, мажбурий қайта алоқа тамойилларига асосланади. Ошкоралик, иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракати, уларнинг далиллари тенглиги, ҳамкорликдаги билимлар банки, ўзаро баҳолаш ва назорат имконияти билан белгиланадиган таълимий мулоқот манбаи яратилади.

Математика дарсларида фаол ўқитиши методларидан фойдаланиш шахснинг ривожланишини ҳам уйғунлаштиради, ҳам мотивацин рухият бағишлайди. Замонавий ва илғор технологиялар билимлари билан яқиндан фаолият олиб бораётган педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларни такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, уларнинг натижасида янги педагогик қараш, замонавий педагогик фикрлаш тарзи билан бир қаторда янги педагогик технологиялар вужудга келди.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш конуниятлари, механизмлари ва уларни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини замонавий педагогика ҳамда психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни фаолиятни фаоллаштирувчи методлар билан бойитиши талабаларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Юқорида айтиб ўтган мисолларимиздан кўриниб турибдики, ўқув жараёнида замонавий илғор технологияларидан қанчалик кенг фойдаланилса, талабаларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланади. Демак, бугун интерфаол усуллар, янги педагогик технологиялари ва медиатаълим сирларини назарий жиҳатдан пухта ўрганиб, амалиётда етарли даражада қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик-педагогик мазмунга ҳам боғлиқлигини назарда тутган ҳолда дарсни тўғри ташкил қилиш керак.

### **Адабиётлар**

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017.
2. Бекмуратов Т.Ф., Дадабаева Р.А. Информационные системы в образовании // Таълимда ахборот технологиялари: Республика илмий-амалий конференция материаллар тўплами. – Т.: ТДПУ, 2000.
3. Янги педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳазалар: Мақолалар тўплами. – Т., 2010.